



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (13.948)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА БИЗНЕС МАРКАЗИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Ушбу замонавий бизнес маркази саккизта лотга ажратилган ҳолда барпо этилмоқда. Шу пайтгача 7 миллион куб метр тўпроқ ишлари бажарилиб, 50 дан зиёд бинога мустаҳкам пойдевор ўрнатилди. Бугунги кунда бетон қаркаслар ва деворлар қурилиб, муҳандислик тармоқлари тортилмоқда.

Конгресс-холл ва "Hilton" меҳмонхонаси қурилаётган 5-лот энг илғор майдонлардан бири. Ушбу биноларда темир-бетон, металл конструкция ва том ёпиш ишлари яқунлашиб, қурилиш ҳажмининг 80 фоиздан зиёди битган. Ҳозир электр тармоқларини монтаж қилиш, ички пардозлаш ва механика ишлари бажарилимоқда.

Давлатимиз раҳбарига аввалги ташриф чоғидаги кўрсатмаларнинг ижроси ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Конгресс-холлда барча форматдаги халқаро тадбирлар ташкил этиш учун замонавий шароитлар яратилмоқда. Бу ерда йирик саммитлар, нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Хорижий делегациялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хизмат кўрсатувчилар учун зарур қулайликлар яратилади.

Президент Конгресс-холлга туташ қурилган 21 қаватли беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонасини кўриб кўрди. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди.

"Tashkent City" шаҳарсозлик ва туризм йўналишида энг яхши тажрибани ўзида мужассас этади. Хусусан, унинг марказида барпо этилаётган 60 метрли мусиқали фавворага эга боғ яна бир туризм объекти бўлади. Ландшафт дизайни асосида қуриладиган боғда сунъий кўл, гуллар парки бўлиб, мажмуа манзарасига бошқача кўрк бахш этади.

Давлатимиз раҳбари Конгресс-холл ва меҳмонхонада юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш юзасидан кўшимча кўрсатмалар берди.

Президентимиз Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил июнь ойида бу ерга раъсий тамал тоши қўйган, декабрь ойида яна бир бор ташриф буюриб, юртимиз тарихини даврлар бўйича, ҳар бир аср ва алломага оид манбалар, ашёлар асосида намойиш этиш, қурилишни такомиллаштиришга доир тавсиялар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Иморотнинг асосий қисми қурилди, айна пайтда томининг металл конструкцияларини монтаж қилиш ва бетон тўшама ишлари бажарилимоқда.

Уч қаватли марказ лойиҳаси шарқона услубда ишланган бўлиб, ундан анжуманлар ва кўргазма зал-

лари, қадимий кўлэзма ва осори-атиқаларни таъмирлаш бўлимлари, тарихий манба ва ашёларни сақлаш хоналари, кутубхона ўрин олади. Бинонинг симметрик марказида Усмон Куръони зали жойлашади. Ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналар энг юқори қаватда бўлади.

Бугунги кунда фасад ва залларни бадий бешафга, керамика ишларига ҳозирлик кўришмоқда. Франциялик мутахассислар билан худуднинг ландшафт дизайнини барпо этиш бўйича лойиҳа тайёрланмоқда.

Президентимиз қурилишни кўздан кечирди, бинонинг ички ва ташқи кўриниши, гўмбаз ранглари учун танланган намуналар билан танишди. Ушбу марказ ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганадиган, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказадиган илмий-маърифий маскан бўлиши кераклиги таъкидланди.

Юртимиздаги иккита олий ва еттига ўрта махсус диний билим юрти бу ерда "қайнаши" керак, уларга ҳам жой бериш зарур. Чунки илм шу ерда бойитилади, талабалар олган билимининг марказида буюк аждодларимиз меросига оид қимматли далиллар билан мустаҳкамлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Алломаларимизнинг буюк меросини ёш авлод қалбига синдириш учун залларга уларнинг ҳайкаллари, илмий кашфиётлари, кўлэмлари, ўша даврга оид тарихий ашёларни ўрнатиш бўйича тавсиялар берилди. Бу жамиятда "Жаҳолатга қарши - маърифат" тамойилини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу марказ орқали халқимизнинг илм-маърифат, маданият ривожига қўшган ҳиссасини муҳрлаб қўймоқчимиз, шундай улғ меросни халқимизга, ёшларимизга етказмоқчимиз. Ислон цивилизацияси маркази мана шундай илмий муассасалар учун фундаментал база бўлиши лозим. Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги ўқув ишлари бу марказ билан ҳаммадан бўлиши, талабалар юқори курсларни шу ерда ўқиш, ўқувчилар малака ошириши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида адиб музейи ва унинг номида мактаб барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ушбу мактабда ардоқли ёзувчининг даҳосига хос муҳаб бўлиши, унда таълим олган болалар миллий адабиётимизга ўзгача меҳр билан камол топиши зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга лойиҳани такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимиз жорий йил 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келаси йил Галабининг 75 йиллиги

байрами олдида Тошкент шаҳрининг энг кўркам масканларидан бирида ушбу шонли санага бағишлаб Галаба боғи барпо этилишини таъкидлаган эди.

Айна пайтда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 11,6 гектар майдонда ушбу боғни бунёд этиш режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари унинг лойиҳаси ва қурилиш концепцияси билан танишди. Галаба боғини барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиздан гурурланиш туйғусини кучайтириш, Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Боғнинг кириш қисмида Галаба аркаси ўрнатилиши кўзда тутилган. Генерал Собир Раҳимов ҳайкали олдида энгил конструкцияли амфитеатр ва катта сахна қурилади.

Боғда уруш даври манзаралари, жумладан, окоп ва блиндажлар, қодирлар, дала ошхоналари ва бошқа лавҳалар акс этган композицион мажмуалар қурилади. Ўша даврдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғ кўргазмаси очик осмон остидаги музей вазифасини ўтайди. Музей, кутубхона, кинотеатр барпо этилиб, Wi-Fi зона, ҳарбий тайёргарлик ва спорт худуди ҳамда сайилгоҳ ташкил этилади.

Ўзбек аёлининг матонат тимсоли сифатида Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ва бева қолган тўрт келини хотирасига бағишланган "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси ўрнатилади.

Боғнинг маъно-мазмун, экспозициясини чуқур ўйлаш керак. У фақат байрам қўнлари эмас, йил давомида ишлайдиган бўлсин. Бу ерга келган ёшлар илҳомлансин ва руҳлансин, гурур-ифтихор туйсин, бугунги тинч кунларнинг қадрига етиб, ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамласин, деди Президент.

Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Фанлар академияси, Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тарихчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, Галаба боғининг концепциясини такомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ушбу улкан лойиҳалар пойтахтимизнинг илмий-маърифий, маданий ва бизнес маркази сифатидаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИҚДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида кутилаётган натижалар ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларга инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани, тадбиркор ва инвесторларга ҳар тарафлама амалий кўмак бериш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилиниб, изчил амалга оширилаётгани натижасида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётгани қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда шаҳар ва туманларнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида уй-жойларни таъмирлаш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ичимлик суви, электр энергияси тармоқлари, маҳаллий ва ички йўллари қуриш-таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳолати кўриб чиқилди. Зарур молиявий ва бошқа ресурсларни ўз вақтида ажратилиши ҳамда ўзлаштириш, белгиланган ишларни сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Ҳар бир тармоқ ва худудни ривожлантириш бўйича қўзланган марралар ва аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш учун тегишли раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

ЎЗА

"ТЕМП - 2019" ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган касаба уюшмалари ёшларининг "ТЕМП - 2019" Тошкент халқаро форуми доирасида "Мамлакатни ижтимоий ривожлантиришда касаба уюшмалари ёшларининг ўрни: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси бўлиб, биринчи ўринбосари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ.Рафиков ва бошқалар Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши, улар бунёдкорлик ишларида, ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Энг замонавий рақамли технологиялар асосида илмий-техникавий ривожлантириш жараёнида ўзига хос ютуқларни қўлга киритиш учун давлатимиз томонидан ёшларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани алоҳида эътироф этилди.

Президентимиз ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний

тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар халқаро экспертлар ва хорижий иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Конференцияда иштирокчилар мамлакатимиз касаба уюшмалари тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган ўзига хос тизим ва механизмлар, касаба уюшмаларининг барча бўғинларида ёшлар масаласи билан шуғулланувчи тузилмалар фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари вакиллари билан иборат Демократик кучлар блокнинг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқининг мазмун ва моҳияти ҳамда ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатидаги нутқи нафақат юқори палата, балки Қонунчилик палатасининг фаолиятига ҳам тегишли бўлиб, бундан парламент аъзолари тўғри ҳулоса чиқариши лозим. Хусусан, сўнги олти ой мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида атиги 9 та қонун киритилгани, шундан унчасигина сиёсий партиялар фракциялари томонидан тайёрлангани, бу борада депутатлар анча суфт фаолият олиб бораётгани, бундан ташқари, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг 80-90 фоизи депутатлар томонидан қайта ишланаётгани ачинарли ҳол.

Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларида тўғридан-тўғри амал қилиш механизми мавжуд эмаслиги

ва улар қонунчилик, юридик техника ва бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб берилаётгани сабабли ҳам депутатлар киритилган қонун лойиҳалари нормаларини ўрганиб чиқиб, таҳлил қилишга, қайта ишлашга ва сезиларли даражада ўзгаришига мажбур бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларнинг тўб заммида вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа давлат идоралари юридик бошқармалари қадрларида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, унинг ҳар бир нормасини таҳлил қилиб, баён қилиш салоҳияти етишмаслиги ётади. Бу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги жиддий эътибор қаратмаётгани сабабли, депутатлар каттиқ туриб, талабга жавоб берилаётган қонун лойиҳаларини қайтаришга мажбур бўляпти.



• "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида давлат бошқаруви, халқ билан мулоқат, парламент фаолияти ва жамиятда аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш каби масалалар, бу борадаги ютуқ ҳамда муаммолар кўриб чиқилди. Йиғилишда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назора-

тини амалга ошириш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда аёллар ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди.

• Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий журналистлардан бир гуруҳи "Навойий" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишди. Мазкур сафар Ташқи ишлар вазирлиги, Навойий вилояти ҳокимлиги ҳамда "Навойий" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан ташкил этилди. Унда Афғонистон, Буюк Британия, Эрон, Қозғоистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ҳамда Туркиянинг машхур телеканаллари, газеталари ва ахборот агентликлари вакиллари қатнашди.

• Наманган шаҳрида "Келажак-

ни соғлом ёшлар бунёд этади!" шиори остида "Ёшлар - тур" вело-марафони бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида 30 июнь - Ёшлар кунига бағишлаб "Ёшлар ойлиги" доирасида ташкил этилган оммавий спорт тадбирида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 500 дан ортиқ ёш, талаба, мактаб ва коллеж ўқувчилари, профессионал ва ҳаваскор спортчилар иштирок этди.



• Ҳиндустоннинг 4,5 миллион киши истикомат қиладиган Чинай шаҳрида кучли сув танқислиги юзага келди. Ҳавонинг жуда иссиқ ва қуруқ

Йиғилиш иштирокчилари қонун ижодкорлиги фаолиятида депутатларнинг янада фаол бўлиши билан бир қаторда, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бу борада Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиясининг масъулиятини янада ошириш, шу орқали хотин-қизларнинг демократик жараёнлар кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлишини таъминлашга эришиш Демократик кучлар блок аъзоларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши кераклиги қайд этилди.

Юртбошимиз нутқида Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг натижадорлиги пастлиги ва уларнинг ақсарияти фақат номини ташкил этилаётгани тўғрисидаги танқидлари нафақат Сенат аъзоларига, балки Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам тааллуқлидир.

(Давоми 2-бетда)

бўлганлиги боис атрофдаги барча сув омборлари қуриб қолди. Ҳозирда аҳолига сув транспорт воситалари орқали етказиб берилмоқда.

• Камбоджа жанубида бунёд этилаётган етти қаватли бинонинг тўсатдан қулаб тушиши натижасида сўнги маълумотларга кўра 19 киши ҳалок бўлди, 20 дан ортиқ одам жароҳатланди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, ҳодиса натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони сезиларли даражада кўпроқ. Вайроналар тагида 30 дан ортиқ одам қолиб кетганлиги айтилмоқда. Ҳозирда бу ерда кидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Бино қурилишига масъул бўлган кишиларни сўроқ қилиш ишлари бошланди.

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, сўнгги 6 ойлик фаолият давомида бу соҳада сиёсий партиялар фракциялари томонидан муайян масалалар бўйича бор-йўғи 26 та ташаббус билдирилган...

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишда ҳамда мазкур соҳани тартибга солишда демократик кучлар блок аъзолари, энг аввало, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиши лозимлигини ҳамда соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда миллий тажрибамизга, шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор амалиётини чуқур ўрганиш асосида адолатли, халқчил ва ҳаётий қонун ҳужжатларини яратилишига замонавий усулларини амалиётга жорий этиш ҳақидаги тақлифлар билан фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Президентимиз нутқидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизим-

ли асосда олиб борилмаётгани ва улар билан самарали ҳамкорлик таъминлашни қайд этилди.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқидан белгилаб берилган устуворликлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси олдидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Депутатлар партия сайловиди дастурини бажаришда ташаббус ва ташкилотчилик амалга оширилгани билан бирга, бу соҳада имкониятлардан етарли фойдаланганини ҳам қайд этилди.

Жумладан, сайловиди дастурида белгилаган "Имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ва ижтимоий интеграцияси тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Исқикли таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари охирига етказилмади.

Хуқуқий тартибга солишда камчиликлар мавжуд бўлган долзарб соҳалар ва тармоқлар аниқланган ҳолда, янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмади.

Йиғилишда халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, фаол ташқи сиёсат олиб бориш соҳасида парламент роли ва таъсирини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, парламент аъзоларининг чет элларга расмий ташрифлари олдида пухта тайёргарлик қўрилмаётгани, мамлакатимизнинг хориждаги обрў-эътиборини юксалтириш ва халқаро майдондаги жараёнларда родини кучайтириш борасида белгиланган вазифани тўла-тўқис бажармаётгани, Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан тузилган дўстлик гуруҳларининг фаолияти сустигли фракция аъзолари томонидан танқид қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутатларнинг хорижда чиқиш олдида пухта тайёрланиши, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳокамага қўйилмаган масалаларни аниқ белгилаб олиши ҳамда депутатнинг сафар давомидаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашига ўз ҳисобларини тақдим қилиш амалиётини жорий этиш кераклиги бўйича фракция ўз тақлифини билдирди.

Президентимиз келгусидаги ислохотлар самарасини оширишда парламент, депутат ва сенаторларнинг ўрни ва ролига алоҳида тўхталиб, билдирган фикрлари парламент аъзоларидан ўз ишмини танқидий қўриб чиқиши талаб этилди. Шу асосда, давлатимиз ривожини, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш борасидаги ишларда Ўзбекистон ХДП фракциясининг Қонунчилик палатасидаги муҳолифат фракция сифатидаги родини ошириш, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларида фракциянинг танқидий тақлиф ва муносабатларини мунтазам шакллантириб боришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Нурилло НАСРИЕВ



ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида олий ўқув юртини тугаллаётган битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари Уюшмаси аъзолари, шoir ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси, божхона хизмати генерал-майори М.Азимов битирувчиларга табрик йўллар экан, офицерлик унвонини қабул қилаётган ёш кадрларни мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда ўз қасамиди ва бурчиға хамиша садоқатли бўлишларини тилади.

Шундан сўнг жорий ўқув йилда институти тамомлаган 121 нафар битирувчига диплом ва божхона лейтенанти махсус унвонлари тантанали равишда топширилди. Битирувчиларнинг 5 нафари эса олий ўқув юртини қизил диплом билан якунлади. Эндликда улар Давлат божхона қўмитаси тақсимо ти асосида республикамиз бўйлаб турли ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постларида хизмат қилади.

Институтида божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда курсантларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга йўналтирилган янги қўмиташ тизимини шакллантирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни вақтда бу ерда икки босқичли "Божхона иши" ва "Юрисп-

руденция (иқтисодий ҳавфсизликни хуқуқий таъминлаш)" мутахассисликлари бакалаврларни ҳамда "Божхона иши (фаолият турлари бўйича)" ва "Солиқ ва божхона хўжуқи" мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланади.

Эндликда юриспруденция мутахассислигини тамомлаган институт битирувчиларининг касбий фаолият соҳалари кенгайиб, нафақат божхона органлари балки бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам хизматни ўташ имкониятига эга бўлишиди.

Институтида мутахассислар тайёрлаш бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини амалиётга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Битирувчиларда етарли амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан номутахассислик фанларнинг ҳажмини камайтириш ва мутахассислик фанлари ҳажмини ошириш ҳисобидан уч йиллик назарий курс ҳамда ҳудудий божхона бошқармаларида бир йиллик стажировка ўташдан иборат ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Тадбирда сўз олган депутатлар, божхона фахрийлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ёш офицерларни қизгин муборакбод этиб, республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби божхона соҳасида ҳам олиб борилмаётган изчил ислохотларни рўёбга чиқариш ҳамда хамиша камарбаста бўлишга чорлашди.

Маросимда эл севган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури барчага манзур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА

"ТЕМП – 2019" ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қошида, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида ёшлар бирлашмасининг ташкил этилгани, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамда таълим муассасаларида билим олаётган ёшларнинг касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинган, бу орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, касаба уюшмаларига аъзо ёшлар сони ортиб бораётгани эътиборга молик жиҳат, дея қайд этилди.

– Форум 20 га яқин давлат

ёшларини бир жойда бирлаштириди ва улар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилди, – деди Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси миллий котиби Чжан Маохуа. – Бугунги конференцияда Умумхитой касаба уюшмалари федерацияси ёшлар сиёсати доирасида "Бир макон – бир йўл" ташаббусини амалга оширишда касаба уюшмаларининг роли ва ўрни ҳақида форум иштирокчиларига сўзлаб бердим. Хитойда аҳоли сони кўплиги уларни иш билан таъминлашда ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Хитойнинг бардақ провинциясида ҳар ҳафтада меҳнат ярмаркаси ўтказилади. Бу

яниг иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Конференция давомида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўлди. Шундан сўнг конференция иши учта секцияга бўлинган ҳолда давом этди. Уларда мавзу юзасидан қизгин муҳокамалар бўлди ва тақлифлар ўртага ташланди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистоннинг машҳур спортчилари билан учрашди. Сузиш, стол теннис, бадминтон, шахмат-шашка бўйича дўстлик мусобакаларида иштирок этди.

Хуриш КОДИРОВ, ЎЗА МУХБИРИ

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури – амалда

ИЗЛАНУВЧАН, ЖАМОАТЧИ ВА ТАДБИРКОР АЁЛ

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида пойтахтимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча ва барқарор даромад олиши учун замин яратилмоқда.

Берилган имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиб, Мировоб тумани "Баёт" маҳалласида истиқомат қилувчи ташаббускор Нилуфар Машрапова "Табиб" ("Лекарь") антибактериал кремини ишлаб чиқаришга қарор қилди. Ушбу шиобаш маҳкамани тайёрлаш технологиясини у ёшлиғида бундиси, таникли халқ табиби Ойнисо Шокировадан ўрганган. Экологик тоза ва ниҳоятда фойдали универсал восита таркибга пахта мойи, от шовули, борний вазелин, хўжалик совуни, тозаланган сув ва бошқа табиий компонентлар кирди. Ушбу моддалар инсон вужудининг ҳужайра таркибларига зарар етказмайди, керакли метаболит жараёнларини ишга туширишга ва кучайтиришга қодир. Айнан шу сабабли крем эпителизация жараёнларини нормаллаштириди, патоген бактериялар фаоллигини сусайтиради, терини қуриб қолишдан сақлайди, кўйиш изларини қолдирмайди, йирингли яраларнинг тез битишига ёрдам беради.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифати туфайли унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Фақат 2018 йилнинг ўзида ҳажми 20 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга қиймати беш миллион сўмга тенг кремлар бепул тарқатилди.

Ушбу сертифицицияланган маҳсулот шу каби хорижий кремлардан бир неча баробар арзон. Ҳозирги пайтда кремлар пластмасса идишларга қадоқланмоқда. Яқин кунларда тадбиркор аёл маҳсулотни махсус тубиқларга қадоқлашни режалаштирмоқда, бу эса уни кўшни мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради. "Табиб" кремидан

дала шароитларида самарали фойдаланиш мумкин, унга соғлиқни сақлаш, аграр сектор ва бошқа соҳаларда талаб катта. Халқаро ҳамкорлигининг кенгайтирилиши янги иш ўринларини яратиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида аҳолининг иштироки ва моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беради. Ҳозирги пайтда эса "Oyniso shifo" оилавий корхонасида Машрапова оила аъзолари билан ишламоқда.

ЎзИДеп аъзоси сифатида Нилуфар Машрапова аҳолига меҳнат фаолиятининг турли шакллари билан шуғулланиши, ишга жойлашди, даромад олиши учун зарур бўлган кўникмаларини шакллантиришга ҳар томонлама қўмаклашмоқда. Шунинг таъкидлаш зарури, ўзининг ҳалоллиги, очиклиги ва меҳрибонлиги туфайли яқинда Нилуфар Машрапова кўпчилик овоз билан Мировоб тумани "Баёт" маҳалла фуқаролари йиғини раиси этиб сайланди.

Ёш авлодга ғамхўрлик қилиш мақсадида у компьютер залини очди, унда мунтазам равишда ўғли Жавоҳир машғулотларини олиб бормоқда. Унинг раҳбарлиги остида умумтаълим мактаблари ўқувчилари замонавий АКТ тизимларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштирмоқда. Улар учун Ziyonet.uz маърифий порталидан фойдаланиш имконияти яратилган, зеро ундан ўқитувчилар ва ўқувчилар учун барча зарур маълумотлар ўрин олган. Қўриш қобилияти ёмон бўлган шахслар учун махсус дастур ўрнатилган бўлиб, у компьютерда эшитиш қобилияти орқали ишлаш имконини беради.

Ҳ.УБАЙДУЛЛАЕВ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ 2019 ЙИЛ 3 МАЙДАГИ СҚ-418-III-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ВА СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ АЙРИМ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ЯНГИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 111-модда) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4944-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлаими, 2017 й., 6-сон, 69-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 3 майдаги "Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги СК-418-III-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлаими, 2014 й., 10-сон, 107-модда) талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРО ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2019 йил 23 майдаги 07-Б-31-сонли баёни, Сергели туман ҳокими ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгашининг айрим маҳалла фуқаролар йиғинларини ҳудудий чегараларини қайта қўриб чиқиш ва янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 3 майдаги "Тошкент вилояти Зангиота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги СК-418-III-сонли қарори инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 3 майдаги СҚ-418-III-сонли қарори қўшилган ва Сергели туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудий чегараларини қайта қўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари рўйхати ҳамда уларнинг номлари 1-иловага, бўлини ҳисобига ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғини чегаралари тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 514 та деб ҳисоблансин.

5. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудига ўзгартириш қиритилган Сергели туман ҳокимлиги ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Ф.Махмуджўев): янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

худудларга ўзгартириш қиритилган маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

6. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исма-туллаев): янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиб чоралари қўрилсин.

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Ф.Махмуджўев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов):

— мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар қиритилсин.

8. Мазкур қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

— мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг қучга қиради.

10. Шубҳа қарорининг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров зиммасига юклатилсин.

2019 йил 19 июнь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Т.Матибаев

ТЕЖАМКОРЛИК ЭНГ ЯХШИ ИМКОНИЯТДИР

Бугунги кундаги замонавий техникалар яратилиши ва иқтисоднинг ўсиши энергия истеъмолининг ортиб боришига узвий боғлиқдир. Бу эса электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга оширишни тақозо этади.

Республикамизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслар, биринчи навбатда, электр ва энергия манбаларидан қанчалик тежамли фойдалана олишига боғлиқ. Юртимизда иқтисодийётни самарали бошқариш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги ишлар кўламини йилдан йилга кенгаймоқда. Бу йўналишда яратилган моддий бойликлардан тежаб-терғаб ва оқилона фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Энергоинспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан республикамиз энергетика тизимидаги ишларни ташкиллаштириш ва тизимни ривожлантириш бўйича тақлифлар киритилмоқда. Илгари сурилаётган

лойиҳалар электр энергияси тежалиши билан боғлиқ Бунинг учун янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилиши зарур. Қуёш панеллари томонидан куннинг ёруғ вақтида ишлаб чиқарилган электр энергия конвертер орқали қучланиши 220 вольтга ўзгарувчан токка айлантирилиб, бинонинг ички 0,4 кВли тармоғига узатилади. Шу тариха аҳолида кундузи қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган, кечқурун эса электр таъминоти корхонаси томонидан етказиб бериладиган электр энергиясидан фойдаланиш имкони туғилади. Бу ҳолатда истеъмолчилар фойдаланилган электр энергия тўловларини уй-жой мулкдор-

лари ширкатиға, ХУЖМШлар эса электр таъминот корхонасига тўлашлари зарур. Асосийси, ширкат аҳолидан фойдаланилган электр энергияси учун йиғиб олинган маблағ ҳамда электр таъминоти корхонасига тўланадиган тўловлар орасида вужудга келган фарқи кўп қаватли уйлар аҳолини яхшилаш, жорий таъмир ва ободонлаштириш ишларига сарфлаш имкониятига эга бўлади. Бу ишларни амалга ошириш учун янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг электр энергияси лойиҳаларига қуёш панелларини киритишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Фаровонлики электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий тизим корхоналарини ҳаракатга келтираётган, хонадонларимизни чароғон қилаётган электр бебаҳо бойлигимиз. Шу боис, ҳар бир жамоада ва ҳар бир хонадонда электр энергиясидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Электр энергиясига бўлган оқилона муносабатдан ҳам давлатимиз, ҳам халқимиз манфаат қўради.

Шоносир АҲМЕДОВ, "Энергоинспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Uzbekistan Airways миллий авиакомпанияси Platinum Fly Travel компанияси билан ҳамкорликда шу йил 8 июлда "Тошкент — Хабаровск — Тошкент" йўналиши бўйича чартер рейсларини қайта тиклайди.

• Миллий матбуот марказида "Асака банк" АТБ томонидан "Асака банк" фаолиятига ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

• Юнусовод туманида "Ёшлар ойлиги" доирасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда тармоқ дастур ижросини таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди.



Кўргазмалар

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида болалар учун ихтисослаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича "KinderExpo Uzbekistan" 7-халқаро кўргазмаси ўтказилди.

"EXPO POSITION" компанияси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада ўзбекистонлик тадбиркорлар билан бирга Италия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Россия компанияларининг болаларга тааллуқли маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон наинки Марказий Осиё минтақасидаги, балки дунёдаги етакчи саналган энг болажон давлатлардан ҳисобланади. Айни пайтда юртимиз аҳолисининг 30 фоизидан ортигини болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкил этади. Шу боис хорижий мамлакатларнинг компаниялари юртимизга қизиқиши ҳам бежиз эмас.

Бугунги шиддатли замон болалар ва ўсмирлар бадиий ижодиёти, уларнинг маънавий-ахлоқий камолоти билан боғлиқ маҳсулотларни гоёт юқори савияда, юксак сифат билан ишлаб чиқаришни талаб этаётганини инобатга олсак, бу йўналишдаги корхоналар орасида ўзаро рақобат ва маҳсулот сифатига бўлган талабнинг нечоғли юқорилигини англаш мушкул эмас.

Кўргазмада ўйинчоқлар ва интеллектуал ривожлантирувчи ўйинлар, болалар учун гигиена воситалари, дори препаратлари, кичкинтойлар озиқ-овқати ва ичимликлари, ўқув марказлари, ноширлик иши, ўқув анжумлари, болалар мебели, ўйин майдончалари, спорт инвентарлари билан танишиш мумкин.

Бизнинг корхонамиз болажонлар учун мебель жиҳозлари, кроватчалар тайёрлайди, — дейди "Baby Love Art" корхонаси раҳбари Севарахон Мухаммадалиева. — Болалар учун Трансформация кроватчасини тезда ўзгартириб чақалоқлар учун беланчак, манеж, мўъжаз диванча, стол ва стулга ҳам айлантириш мумкин. Ушбу мебелларни тайёрлашда ўзимизнинг маҳаллий хомашедан фойдаланамиз. Жиҳозларнинг қулайлигига ва ҳар томонлама хавфсизлигига асосий эътиборни қарата-

миз. Кўргазмада Россиянинг "Рисуй светом" компаниясининг вакиллари ҳам ўзларининг маҳсулотлари намуналари билан иштирок этади.

Компаниянинг экспорт йўналиши бўйича мутасадди вакили Максим Хоросhevнинг сўзларига қараганда, махсус планшет доскачага ранг-баранг маркерлар билан чизилган расм, камалак жиҳосидаги ёрқин ва нури тасвирларни яратишга ёрдам беради. Бу эса болаларда тасвирий санъатга бўлган меҳрни уйғотиши шу билан бирга уларнинг онгу тафаккурини теран ва ёқимли ранглар жиҳоси билан бойитишга хизмат қилади.

— Болалар бизнинг борлигимиз, бу ҳаётдаги бор бойлигимиз, — дейди "ALPHA MENTAL ARITHMETIC" халқаро ўқув дастури раҳбари Динара Ҳакимова. — Уларнинг иктидор ва қобилиятларини шакллантиришда ранг-баранг дастурлардан фойдаланиш жоиз. Бизнинг дастур орқали эса болаларга ментал арифметика ўргатилади. Шу билан бирга "Аллома" ўқув марказимизда бадиий ижодиёт, хорижий тиллар, шахмат, рақс ва бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берилади. Ўқувчиларимиз ўтган йиллар давомида Малайзия, Россияда ментал арифметика бўйича ўтказилган халқаро мусобақада соҳибдор бўлган бизнинг энг катта ютуғимиз ва фаолиятимизнинг қувончли рағбати ҳисобланади. Биз бу ўтқандан жуда ҳам мамнунмиз. Ҳозирда Хитойда ўтадиган мусобақага пухта тайёргарлик ўтираяпти. Ушбу кўргазмалар эса фаолиятимиз ҳақида ёшларни, уларнинг ота-оналарини ва ҳамкор ташкилотларни янада тўлиқроқ хабардор этиш имконини беради.

Кўргазма доирасида болалар учун "Роботлар кураши", "Батарейкани ўзинг ярат", "Овоз кудрати" каби мавзуларда маҳорат сабоқлари, викториналар, болалар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ангилликларига оид тақдимотлари ўтказилди.

Гули ЧЕХРА

Тиббиёт

САЛОМАТЛИКНИ АСРАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган тиббиёт муассасалари, фармацевтика соҳаси мутасаддилари, юртимиздаги халқаро ташкилотлар раҳбарлари, миллий ва халқаро илмий-тадқиқот марказлари, йирик сайёҳлик агентликларидан вакиллар қатнашди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Р.Изамов ҳамда хорижий экспертларнинг соғлиқни сақлашни ривожлантириш стратегияси, тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделларини жорий этиш юзасидан тақлифлари муҳокама қилинди, фикр ва мулоҳазалари тингланди.

— Ушбу конференцияни ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, — дейди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Тошкент шаҳар худудий бўлинимаси раҳбари Элвира Маракаева, — халқаро ҳамжамият эътиборини Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб бораётган ислохотлар жараёнига жалб этиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделларини жорий этиш ва уларни амалиётга

татбиқ қилиш борасидаги ўрни ҳақида маълумот беришдан иборатдир. Ушбу анжуман соғлиқни сақлаш тизимида инновацияларни киритиш борасидаги йилнинг энг нуфузли тадбирларидан бири ҳисобланади.

Конференцияда инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг соҳани бошқаришнинг инновацион моделларини амалиётга татбиқ қилиш борасидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Палатамизнинг бош мақсади аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий қилишдан иборатдир, — дейди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раисининг ўринбосари А.Сиддиқов. — Палатамиз қатор лойиҳалар ва дастурларни амалиётга жорий этиб келмоқда. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад эса халқаро ҳамжамият эътиборини Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб бораётган ислохотлар жараёнига жалб қилиш, соҳада фаолият олиб бораётган хусусий сектор вакилларининг тажрибаларини кенг татбиқ этиш ҳамда хорижий экспертларнинг фикр-мулоҳазаси ва тақлифларини тингладанан иборат.

Конференция якунида халқаро ташкилотлар вакиллари билан соҳа ривожига доир меморандумлар имзоланди.

Гулнор САТТОВА

ЖИНОЯТ ЙЎЛИДАН ҚАЙТГАН ЁШЛАР КАФИЛЛИКНИ ОҚЛАЙДИМИ?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотиди ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни соғлом муҳитга қайтариш, ўқиш ва касбга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Тошкент давлат юридик университети мутахассислари, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази психологлари, ҳуқуқшунослар ва ёшлар иштирок этган тадбирда Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган меморандум ижросини таъминлаш доирасида ёшлар кафилиги асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди. Уларнинг 53 нафарини вояга етмаган ёш, 30 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Лойиҳа доирасида Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан вилоятларнинг олис туманларида жойлашган 20 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, жойларда "Ҳуқуқий масла-

ҳатхона" бурчаклари ташкил қилиниб, ёшлар билан очик мулоқот қилинди. Матбуот анжуманида ёшлар кафилиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди. Уларнинг 53 нафарини вояга етмаган ёш, 30 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Лойиҳа доирасида Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан вилоятларнинг олис туманларида жойлашган 20 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, жойларда "Ҳуқуқий масла-

ҳатхона" бурчаклари ташкил қилиниб, ёшлар билан очик мулоқот қилинди. Матбуот анжуманида ёшлар кафилиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди. Уларнинг 53 нафарини вояга етмаган ёш, 30 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Лойиҳа доирасида Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан вилоятларнинг олис туманларида жойлашган 20 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, жойларда "Ҳуқуқий масла-

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдо-ларига тақлиф этади!

2019 йил 26 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган савдоларига АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар Олмасор филиалининг 19.06.2019 йилдаги 370-сонли буюртманомага асосан банк тасарруфиди бўлган Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Қорақамийш 2/3-мавзе, 11-уй манзилида жойлашган умумий майдони 124 кв.м. бўлган 339-сонли коммунал касса бошлангич нархи 270 900 000 сўм миқдориди қўйилмоқда.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 26 июль кунини соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, тақрибий савдолар 2019 йил 12 ва 28 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истатини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошлангич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориди закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: ҳ/р: 2020800010075166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси амалиёти бир иш олдин тўхтатилади. Савдо қилибга аукцион савдоси натижалари бўйича қўйилган баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси имзоланган мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотиш шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Тел: (+99871) 236-25-53. www.capitaltrust.uz
Лицензия RR — 0298

Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошоналарини ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдиги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танлов 2019 йилнинг 26 июль кунини соат 16:00 да Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй (Шайхонтоҳур тумани Халқ таълими бўлими)да бошланади.

Ошонаси танловга қўйилаётган Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	42	Қодирий 1-А
2	84	Бунёдкор кўча
3	113	Шомаҳмудов кўча
4	42А	Лабаз мавзеси
5	157	Мужрим Обид
6	180А	Р.Файзий
7	254	Оқтепа даҳаси
8	276	Ибн Сино
9	320	Жарарик мавзеси

Тошкент шаҳри Яксарой тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 07.06.2019 йилда № 731530 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ART-LOTUS" МЧЖ (СТИР 306487505) таъсисчилнинг 26.06.2019 йилдаги қарорига асосан

ТАҒУТИЛАДИ
Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Яксарой тумани, Х.Умаров кўчаси, 9-уй, 48-хонадон манзилида қабул қилинади.
Тел: +99894 619-87-02.

Тошкент шаҳри Олмасор тумани Янгиер кўчаси, 12а-уй эгаси Ақромов Гулям номига туман БТИси томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 2000 йилда Убайдуллаев Санжар Хасанович номига берилган В № 037779 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент иқтисодий университетини қошидаги Чилонзор академик лицейи томонидан 2016 йилда Каримов Тимур Фарходовичга берилган L № 017302 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2007 йилда Бўтаева Шахноза Чориевнага берилган В № 283860 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани 230-сонли мактаб томонидан 1996 йилда Иминова Матлюба Халматовна номига берилган 11-синфни битирганлиги ҳақидаги УЗА № 092832 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат иқтисодий университети томонидан 2018 йилда Назиржонов Шоҳрух Насимжон ўғли номига берилган В № 963278 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмасор тумани Давлат хизматлари марказида рўйхатга олинган "GOLD STAR INVEST" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 914 925 000 сўмдан 59 400 000 сўмга қамайтирилди ва жамиятнинг устав фонди 855 525 000 сўм деб белгиланади.
Маълумот учун телефон: +99890 977-79-66.

ТАҒУТИЛАДИ

Давлолат эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой мuddат давомида Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича қабул қилинади. Телефон: (93) 377-73-45.

26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

ГИЁҲВАНДЛИК – ТАНАЗЗУЛ БОТҚОҒИ

Гиёҳвандлик инсониятни таназзул ботқоғи сари бошлаётган энг хавфли воситалардан бири ҳисобланади. Чунки энг ваҳший қотиллик ва хунрезликлар кўп ҳолларда гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб, ўзлигини тамоман йўқотган одамлар томонидан содир этилаётир.

Энди бутун башариятнинг гиёҳванд бўлишини бир тасаввур қилиб кўрини. Бу ҳолда ҳеч қандай соғлом муҳит қолмайди, мақсад ва маслақлар ўз кучини йўқотади. Шу жиҳатдан ҳам гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, наркотик моддалар савдосига чек қўйиш энг долзарб муаммолардан биридир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрдаги резолюциясига биноан ҳар йили 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни сифатида нишонланади.

БМТнинг Жиноятчилик ва наркотикларга қарши кураш бошқармасининг 2018 йил ноябрдаги тадқиқотларига кўра, 2018 йилда Афғонистонда кўнор етиштириладиган майдонлар сатҳи 263 минг гектарни ташкил этиб, 6,4 минг тонна опий ишлаб чиқарилган.

Афғонистон Ислол Республикасида кўнор етиштирилаётган ер майдонларининг 90 фоизга яқини сиёсий бекарор провинциялар ҳисобига тўғри келмоқда.

Ушбу Ўзбекистонда бу борадаги вазият қандай? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2018 йилда мамлакатимизда нарковазиятга хос эпидемиологик кўрсаткичларда бир неча йиллардан бунён қузатилаётган ижобий тенденциялар давом этган. 2018 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 12 фоизга камайиб, жами 4 минг 779 тани ташкил қилган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2018 йилда мусодара қилинган наркотик воситалар миқдори 41,2 фоизга камайиб, 1,17 тоннани ташкил этган.

Шундан 20,6 килограмми героин, 254,7 килограмми опий, 600,8 килограмми марихуана, 61,4 килограмми гашиш, 227 килограмми кўнор, 165,7 граммни янги психофаол моддалар ва синтетик наркотик моддалар ҳамда 7 минг 551 граммни трамадол дори воситаси.

Судлар томонидан ўтган йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жами 2 минг 876 жиноят иши кўрилиб, 3 минг 691 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган. Шундан 208 нафари аёллардир.

"Қора дори – 2018" кенг қамровли тадбири давомида жами 2 минг 644 квадрат метр майдонда тарихида наркотик воситалар мавжуд ўсимликлар етиштиришга оид 904 ҳолат аниқланган. Бундан ташқари, 449 холатда 7,5 минг квадрат метр майдонда ёввойи тарзда ўсаётган наشا ўсимликлари аниқланиб, йўқ қилинган. Ёввойи нашазорларни йўқ қилиш чораларини кўриган 449 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилган.

Ўтган йилда наркотик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноят содир этгани учун 46 нафар чет эл фуқароси ушланган, жами 190,6 килограмм гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган

Норгул АБДУРАИМОВА

Мамлакатимизда Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида коррупцияга қарши кураш борасида кенг қамровли ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Танловлар

БИЗ ЁШЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ

Айниқса ёш авлодни ҳалоллик ва тўғрилиқка қорлаш, уларнинг онгида товламачилик, фирибгарлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатларнинг содир этилишига қарши курашишда педагоглар томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган касб-ҳунар коллежларининг 3-босқич ўқувчилари ўртасида "Биз ёшлар юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!" шиори остида "Коррупция – адолат кушандаси" мавзусида ўтказилган Республика иншоолар танлови ҳам амалдаги ишларнинг давомийлигини дарак беради.

Танловда касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўяётган ўқувчилар иштирок этди. Бу танлов нафақат иқтидорли ўқувчиларни танлаб беради балки, ёшларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш кайфиятини шакллантириш билан бирга уларда ушбу зарарли иллатга қарши курашда мустақкам иммунитетга эга бўлишини ҳам таъминлайди.

Бинобарин, ёшлар ўқув муассасасини битиргандан кейин муайян давлат ва жамоат ташкилотларида, меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатиши, ўз ҳаёти давомида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга дуч келиши ва бу иллатнинг қурбонига ёки унинг ижросисига айлан

ниши хавфи бор. Шу боис ҳам касб-ҳунар таълими тизимида коррупцияга қарши курашишни жорий этиш мақсадида алоҳида тармоқ дас-тури ишлаб чиқилган ва шу асосда бир қатор ижобий ишлар ва ташаббуслар амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу танловни ўтказишдан асосий кўзланган мақсад ёшларнинг коррупцияга қарши курашиши бўйича билимларини янада мустақкамлаш, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш иборатдир, – дейди Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Кимё Насриддинова. – Биз педагогларнинг асосий вазифамиз ёшларимизни давлат ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларидаги мавжуд коррупция иллатидан огоҳлантириш, коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун жазо муқаррар эканлигини уларнинг онғу-шуурига сингдиришдир. Зеро, бугунги ёш авлод, эртанги ҳаётимизнинг мустақкам пойдеворидир...

Танловда иштирок этган ўқувчи-ёшлар мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, барчанинг ҳалол ишлашини таъминлаш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, тадбиркорлар олдига турган бюрок



Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Юртимизда ўтказилаётган "Ёшлар ойлиги" ҳамда ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Миробод туман Кенгаши томонидан бир қатор лойиҳа ва тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Яқинда "Биз соғлом турмуш тарafdоримиз!" шиори остида тумандаги "Толариқ" ва "Янги Кўйлик" маҳаллаларида истикомат қилувчи болалар ўртасида сузиш бўйича мусобақа ўтказилди. 20 метр масофага сузиш мусобақасида 50 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Ғолиб бўлган ўқувчилар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан диплом ва китоблар билан тақдирланди. Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни спортга бўлган қизиқишини ошириш, маҳалла ёшлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини мустақкамлаш ҳамда ёзги таътил вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилди.

Хусниддин УСМАНАЛИЕВ

Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Шундай экан, инсон организмнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташки муҳит таъсирига мослаша олишидир. Иссиқ иқлим шароитига мослашишда организмни чинқиртириш, вақтида овқатланиш, ҳатто терлашнинг роли катта.

Одам организмда моддалар алмашиниш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узулсиз ташқарига чиқиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кеча-кундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг калорияга яқин иссиқлик чиқади. Яна бир масал: одам танасидан кеча-кундузда ажралиб чиққан иссиқлик билан уч тонна ҳажмдаги сув ҳароратини бир даражага кўтариши мумкин.

Инсон организмда иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғлишни ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Бу борада одам терисининг аҳамияти каттадир. Агар одам териси термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганда тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтарилиб, 40 соатдан сўнг қайнаш нуқтасига етарди. Организмда тўхтовсиз давом этадиган иссиқлик алмашиниш жараёни икки соат давомида издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этади, натижада тана ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бундай ҳол узок давом этиши киши саломатлигига путур етказиши мумкин. Одам кам ёки кўп терлаши бир неча сабаблар – кунлик ҳаво ҳарорати, кўёш нури таъсири, шамол тезлиги, ҳаво намлиги, кийим ранги ва қалин-юпқалиги, иш шароити, ниҳоят, организмнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

Тошкент шаҳри корхоналаридаги ишчиларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, ёз фаслида ҳар бир киши ўрта ҳисобда тер билан 4-5 литр сув ва 20-30 грамм ош тузи йўқотар экан. Одам танасидан тер ажралиши ва унинг буғлиниши тананинг совийшига сабаб бўлади.

Иссиқ ҳаво ва кўёш нури таъсиридан тана қизиб кетиши натижасида куйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: гипертермия ёки тананинг қизиби кетиши, кўёш уриши, организм

нинг турли ҳолатда сув йўқотиши. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар, вазиятга қараб алоҳида ёки биргаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида инсоннинг иштаҳаси йўқолади, чанқайди, лоҳас бўлади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтарилиб, қон томир уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш чанқайди. Ўртача гипертермияда юқоридagi аломатларга беш оғриши ва айлиниши, нафас қисийи, тери

Билиб қўйган яхши

САРАТОН ИССИҒИДАН САҚЛАНИНГ

юзаларининг кўкариб кетиши ҳамда бўшашиши кўшилади. Иссиқ урганда ҳароратнинг кўтарилиши билан бир вақтда: беҳушлик, лаблар кўкариши, қон-томир уриши тезлашиб, сўнг сусайган бўлади, терлаш ҳам камайди, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши мумкин.

Кўёш урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади. Бошқа клиник белгилар эса иссиқ урганига ўхшаш бўлади. Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида "сувга ташналик" ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари яна ичгиси келаверади. Танадан ажралаётган тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади, натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Юқоридagi ҳолатлар содир бўлганда дарҳол беморнинг иссиқ алмашиниш қобилиятини тиклашга ҳаракат қилиш керак. Умуман, ҳамма ҳолларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда кўёш нури таъсиридан соя-салқин ерга олиб чиқиш лозим ва эркин ҳаракатни қийинлаштирувчи кийимлардан холи қилиш, сув ичиши, бош ва кўкракка латтани совуқ

ратик тўсиқларга барҳам бериш, халқимизнинг соғлом турмуш тарзига ҳалақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш борасидаги шахсий фикрларини ижодий баён этишди.

– Мен танлов доирасида фирибгарлик, таниш-билишчилик ва порахўрликнинг илдиларини батамом қуриштириш кераклигини, бу ишда биз ёшлар ҳам ўзимизнинг нуносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозимлиги ҳақидаги фикрларимни баён этдим, – дейди танлов иштирокчиси Сарвиноз Шоҳалиова. – Жаннатмақон она дидиримизнинг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этиши учун ҳар қандай зарарли иллатларнинг айниқса коррупциянинг илдизини қуриштиш ва барҳам бериш лозим.

Танлов доирасида ўқувчи-ёшларнинг коррупцияга қарши кураш мазмунидаги "Энг яхши плакат", "Энг яхши сурат" номинациялари бўйича тайёрлаган ижодий ишлари ҳам намойиш этилди.

Иншоолар танлови ғолиблари Касб-ҳунар таълими маркази ва ҳудудий бошқармалар, шунингдек, ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва совғалари билан тақдирланди.

БАДИЙ БЎЁҚЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги "Невская палитра" заводи бадий маҳсулотларининг тақдими бўлиб ўтди.

Юртимизда тасвирий санъат соҳасида хориждаги турли ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик тобора мустақкамланиб бормоқда. Санкт-Петербургнинг "Невская палитра" заводи 1934 йилда ҳунармандчилик корхонаси базасида "Ленинград бадий бўёқлар заводи" сифатида фаолият бошлаган. Ушунда бу ерда мойбўёқ, акварель, гуашь бўёқлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мазкур жағош ва қаҳрамон шаҳарнинг 900 кунлик қамал даврида ҳам завод ўз фаолиятини давом эттиришга муваффақ бўлган эди. 1944 йилда завод томонидан ишлаб чиқарилган бўёқлар тури 100 тага етди.

Ушбу заводда ишлаб чиқарилган бадий бўёқларнинг юқори сифати сабабли корхона кўплаб дипломларга сазовор бўлган. Бугунги кунда "Невская палитра"нинг маҳсулотлари дунёнинг 63 давлатига экспорт

қилинмоқда. Заводда ишлаб чиқарилган бўёқлар наинки Россия, балки МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари, АКШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатлар мусаввирларининг бир неча авлодлари томонидан севиб қўлланилади. Эндиликда Петербург заводи бўёқ ишлаб чиқаришдаги аънаналарни сақлаб қолиш билан бирга, уларнинг турини янада кўпайтириб, технологиясини тобора такомиллаштириб бормоқда. Завод Россиядаги яғона ва жаҳондаги бўёқ ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан саналади.

– Ўзбекистонга келиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу юртдаги одамларнинг тасвирий санъатга бўлган меҳри ва қизиқиши, интилиши, рангларни, уларнинг маъно-мазмунини англаши ғоят кучли экан, – дейди "Невская палитра" заводининг маркетинг масалалари бўйича мутахассиси Анна Клевина. – Ижодий маҳсулотларимиз тақди

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

сувга ҳўллаб бош кўтарилган ҳолда босиш зарур. Беморга сув ичиришнинг иложи бўлмаса, тери ости ёки вена қон-томирига шифокорлар ёрдамида физиологик суюқлик юбориш керак. Иссиқ иқлим шароитида серғе овқатларни бирмунча камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бироз шўртамроқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи керагидан кўпроқ ажралиб чиқади, бу эса тўқималарнинг ўз таркибида суюқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборади.

Овқатланиш режимига келганимизда, у асосан иш режимида монанд тузилиши лозим. Саратонда кундалик истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ейиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибида етарли оксилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиғида кўк чой ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалар – олма, ўрик, айниқса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар ҳам ташналикни яхши қондиради. Ичимликларни эрталаб ва кечкурун тўйғунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди. Иссиқ иқлим шароитида тўғри қийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималар ёки қалин ялтироқ материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синовдан яхши ўтган оқ матодан, энгил лавсандан тикилган кийимлар иссиқ иқлим шароитида жуда тўқил.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда саратоннинг энг иссиқ ойларида инсонлар кўларига офтобдан сақлайдиган кўзойнақ тақишлари жуда фойдалидир. Саратон ойларида эркалар сочини тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочини мустақкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соҳа кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унумдорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илқ дўшда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чинқиртиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

"101"

ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИККА ЧАҚИРАМИЗ

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи ҳисобига яхши ниятда бино ёки уй қуришни бошлайди.

Аммо фуқароларнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ қараганлиги сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир неча дақиқалар ичида қулга айланади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишини таъминлаш.

Доимо ҳушёр бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали ўзингиз, оилангиз ва мол-мулкнингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Зойир МУСТАҒОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Виртуал қабулхонаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Олов – "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамisha ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ўт-олов ёниб турган жойда локайдик, бепесандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир.

Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача кўринган оловнинг ўта хавфлилиги, ногоҳан содир бўлган ёнгинларнинг оғир оқибатларини тушунтириш зарур.

Саида АХУНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнгин содир бўлган хонадон вайронага айланади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнгин ҳосил бўлади. Уни бартараф этиш учун ёнгин ўчирувчилар ҳамisha шай бўлиб турадилар.

Биз, ёнгин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларни ёлғиз қолдирманг.

Умид УСМОНОВ,
Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи ЁХБ
кичик инспектори, сержант

Бугун аланга сабаб юз бераётган фожиалар, содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу фалокатлар сўзсиз инсоннинг бепарволиги сабаб келиб чиқмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашувларда ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари кўргазмали суратлар орқали намойиш этилиб, кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бироқ ёнгинларнинг сони қисқараётгани йўқ. Айниқса, болалар иштирокида содир бўлаётган фожиа ва олов қурбони бўлаётган фарзандлар тақдирини ташвишли ҳол.

Агарда ҳар доимидек серғак бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, муаммолар туғилишига йўл қўймаган бўламиз.

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Маҳаллалар ва аҳоли гавжум жойларда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари "тилсиз ёв"нинг келиб чиқиш сабаби ва омиллари, олдини олиш ҳақида тушинтириш ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек, болалар боғчалари, мактаб ва коллежларда ёнгин хавфсизлиги қоидалари юзасидан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тасвирланган видео лавҳалар намойиш қилинмоқда.

Шу ўринда ҳурматли ҳамшаҳарлар ёнгинларнинг олдини олиш ишларига ўз хиссанларини қўшиш ва ёнгин хавфсизлик қоидаларига амал қилишини таъминлаш сўраб қоламиз.

Ағзам ХУСАНОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларда юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва маийий техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда кўплаб ёнгин чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Ўз мол-мулки ва албатта жамоат, давлат мулкини кўз қорачиқсиз сақлаш ва асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Зокир БОЙМАТОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 27 июль кунини ҳаво ўзгартириш туради, ёнгинарчилик бўлмайди. Шарқдан гарба йўналишида ўзгартириш шимол секундида 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 21-23, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотию кўра, 27 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Шифоселани даражаси паст бўлади.